



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 26-yanvar • Seshanba • 11 (30.131) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## Муносабат

### Комиллик йўлларида

Баркамол авлод йилининг мазмуни, моҳияти, кўлами, қамрови ва аҳамияти ҳақида мулоҳазалар

Авалло баркамол авлод деган иборанинг луғавий маъносига тўхтаб ўтсак. Икки сўздан иборат бу бирикманинг биринчи қисми — баркамол — жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга эришган, вояга етган деган маъно англатади. Иккинчи қисми — авлод — бугун яшаб турган барча насл маъносини билдиради. Ҳозир туғилган чақалоқдан тортиб энг кекса кишиларгача бугунги наслдир. Унга нисбатан кекса авлод, ўрта авлод, ёш авлод деган иборалар қўлланилади.

Энди баркамол деган сўзининг луғавий маъносига тўхталмиш. Бу сўзнинг ўзаги камол — тўлиқлик, мукамаллик, тўқислик маъноларини ифодалайди. Баркамол дегани ҳар томонлама етук деган маънони билдиради.

Камолот сўзининг ўзаги ҳам камолдир. У етуклик, мукамаллик маъноларини ифодалаши баробарида юксалиш, ривожланиш, тараққиёт маъноларини ҳам билдиради.

Шу маънода, «Баркамол авлод йили» мазмуни чуқур ва қамрови кенг, моҳияти шарафли, аҳамияти улкан, муддати эса чекланмаган, десак, тўғри бўлади. Чунки ҳаёт тўқтовсиз жараён, доимо ўзгаришда, демек, авлод тарбияси ҳаммаши диққат қилишни, эътиборда тутишни талаб этади. Шунинг учун ҳам инсоният вужудга келибдики, етукликка, яъни баркамолликка эришиш учун курашиб келади. Узоқни кўзлаган давлат раҳбарлари, ула-



мою фузалолар, олиму орифлар, илгор зиёлилар ҳаммаша миллат камолоти йўлида фидойилик ва ибрат намуналарини кўрсатган.

2-бет >>>

## Ўз мухбирларимиз хабар қилади

### Коллеж учун янги бино

Бухоро шаҳрида Мухтор Ашрафий номидаги санъат коллежининг янги биноси қуришмоқда. 360 ўқувчига мўлжалланган мазкур билим даргоҳи қурилишида бош пудратчи «2-Бухорожамоақурилиш» трестининг 47-кўчма механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари ҳисобланишади.

— Орузимиз амалга ошадиган бўлди, — дейди коллеж директори, ЎзХДП фаоли Бахтиёр Ярашев. — Ўқувчилар ҳамма шароитлардан — концерт зали, машгулот хоналари, ахборот-ресурс маркази каби имкониятлардан баҳраманд бўладиган бўлишди.

Бош пудратчи прораби Шухрат Норовнинг таъкидлашича, қиймати 4 миллиард 880 миллион сўм бўлган ҳамда Бухоро мейморий ёчимлари асосида бунёд этилаётган санъат кошонаси яқин ойлар ичида фойдаланишга топширилади.

Даврон БАХРОНОВ

Ёркатай — Уйчи туманидаги йirik қишлоқлардан бири. 21 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда 6 та корхона ишлаб турибди.

2009 йилнинг сўнгги кунларида ишга туширилган «Мега Текстиль» хорижий корхонасида 100 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

Туркиядаги «Ахмад-Аграр» фирмаси томонидан 1,5 миллион доллардан зиёдрок инвес-

### Ёркатайдан — дунёга

тиция киритилиб, Германияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар келтириб ўрнатилган.

Корхонада йилига 1400 тонна пахта толасидан 1200 тонна калава ип ишлаб чиқарилади. Дастгоҳлар тўла қувват билан ҳаракатга келтирилгач, 210 кишини доимий иш билан таъминлай олади.

Айни пайтда уч сменада 500 килограмм атрофда маҳсулот тайёрлашга эришадиган корхонада ишлаб чиқариш

сифати ҳамкор мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

— Шу йилнинг ўзида 70 фоиз қувватни ўлаштирамиз, — дейди корхона ижрочи директори Исроилжон Юсупов. — Йилнинг иккинчи ярмидан ишчилар сафи яна 90 нафарга кенгайди. Маҳсулотимизни асосан экспортга чиқарамиз, экспорт қилганга қараганда 8 фоиздан оширамиз.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

## Интеллектуал майдон эгалари

«Интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар».

4-бет >>>

## Сайлов сабоқлари

### Кураш давом этади

Сайлов жараёнлари ортида қолди, аммо сайловчилар, электорат ишончини оқлаш учун кураш давом этади. Бунинг учун депутатларимиздан фаоллик, салоҳиятини амалий ишларга йўналтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда дадил ташаббуслар кўтариб чиқиш талаб этилади

Сайловларга тайёргарлик, номзодлар кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот ишлари, қизгин тортишувлар билан кечган жараёнлар тарихга айланди. Сайловчилар ўз сўзларини айтдилар, муносиблар орасидан энг муносибларини қўллаб-қувватлаб овоз бердилар.

Бугун Жиззах вилояти мисолида сайлов якунларига назар ташлаб, айрим масалаларга эътибор қаратмоқчимиз. Худуддаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилган 5 та округдан бирортаси бўйича ҳам партиямиздан кўрсатилган номзодлар етарли

овоз ололмадилар. Демак, мазкур босқичда номзодларни танлаш, уларни ўрганиш, тавсия этиш, бу борада фаолларимиз, электоратимиз фикр-мулоҳазаларини инobatга олиш билан боғлиқ ишларимизда масалага жиддий ёндашмаслик, сусткашлик, бирёқдамалик ҳо-

латларига йўл қўйилганлиги сезилиб қолди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган 57 нафар депутатдан 14 нафари ҳамда 332 нафар шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларидан 126 нафари бизнинг вакилларимиз экани эса бу погондадаги танловларимизнинг тўғрироқ, ҳаққонийроқ кечганлигини, сайё-ҳаракатларимизнинг қатъийроқ ва айни пайтда самаралироқ бўлганлигини кўрсатмоқда.

2-бет >>>

Ўзбекистон Халқ демократик партияси жамиятда ижтимоий бирдамлик муносабатлари қарор топишига, муҳим ижтимоий дастурлар тўла ижро этилиши ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги даражаси ошишида ижтимоий институтларнинг фаол иштирок этишини рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиш тарафдоридир.

### Депутатлар тимсолида

сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини амалга оширишининг қонуний воситасини кўради

— Парламент мамлакатнинг бугуни ва эртаси қандай бўлишини ҳал қиладиган қонулар ҳамда бошқа ҳужжатларни қабул қилади. Шу юрда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, фарзандларининг келажаги, орзуларининг амалга ошиши, ҳар жиҳатдан парламент қабул қиладиган қонуларга боғлиқ.

Қайси сиёсий партия, ҳаракат ёки худуддан сайлангандан қатъи назар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутати, Сенатнинг ҳар бир аъзоси кўриб чиқилаётган масалаларга, аввало, мамлакат, халқ, давлат манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади. Қонунчилик палатасининг 135 нафар депутати сиёсий партиялардан сайланган. ЎзХДП вакиллари уларнинг 32 нафарини ташкил этади. Депутатлар тимсолида сиёсий партия ўз дастурий мақсадлари, Сайловолди ҳужжатларини амалга оширишининг асосий қонуний воситаларини кўрар экан, зиммамизда улкан масъулиятли вакиллар борлигини бир дам ҳам унутмаслигимиз керак.

Мен иккинчи марта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайландим. Таъкидлашим керакки, ўтган муддат давомида парламент куйи палатасида ташкил этилган фракциямиз фаол ишлади. Биз профессионал депутатлар сифатида мубайян тажриба тўпладик, ташаббуслар билан чиқдик. Аммо қиладиган, олдимизда турган ишлар ҳали жуда кўп. Аввало, сайловчилар, электоратимиз ишончини оқлашимиз талаб этилади. Партиямиз аҳолининг ижтимоий муҳофазага мутож қат-

Анвар БОЙКУЛОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси



лами манфаатларини ҳимоялашни ўзининг асосий вазифаси сифатида белгиланган. Табиийки, бу масала тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш, соҳага оид давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш орқали амалга оширилади. ЎзХДП Дастури ва Сайловолди дастурида бу йўналишда қилиниши зарур бўлган аниқ вазифалар белгиланган. Уларни бажариш учун бизда қонуний асослар ҳамда воситалар етарли. Янги сайланган депутатларимиз ҳам катта ҳаётий, касбий тажрибага, салоҳиятга эга кишилар экани мақсадга эришишда муҳим омил ҳисобланади.

### Ҳокимлар ўқуви

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-матридий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари бошланди.

Семинарнинг очилишида мазкур академия ректори Қ.Назаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишидек эзгу мақсадларга хизмат қиладиганини таъкидлади.

Тараққиётнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган ислохотлар тадрижийлиги, босқичма-босқичлиги, чуқур илмий асослангани, аҳолини аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Бу жиҳатлар миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш, барқарор тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва суръатларини муттасил ошириб бориш, баркамол авлоднинг вояга етказиш, таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳаларда ўзининг яқол ифодасини топаётган. Айни пайтда барча жабҳалардаги туб ижобий ўзгаришлар халқимиз, айниқса, ёшларнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётта муносабати, атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусининг тобора юксалиб бораётгани билан уйғун кечмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги мураккаб давр маҳаллий ҳокимликлар, вазирилик ва идоралар, жамoат ташкилот-

ларининг раҳбарларидан долзарб вазифаларни ҳал этиш, ўз билимининг муттасил бойитиб, янгилаб, мустаҳкамлаб боришни, қатъиятчилик, ташаббускорлик, фидойилик ва маънавий уйғоқлиқни талаб этмоқда.

Ун кун давом этадиган ушбу семинарда тингловчилар давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмуни-моҳияти, уларда белгилаб берилган асосий вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ушбу семинарда турли вазирилик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, юксак маънавиятни шакллантириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришининг асосий вазифалари, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги туб ижобий ўзгаришлар, ташқи сийбасат ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор вазифаларига оид маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Абдуллаев сўзга чиқди.

Назoат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири

ВАТАН ИСТИҚБОЛИГА МАСЪУЛИМИЗ 2

ВАЙРОНАЛАР ОСТИДА 3

ШОҲСУПА САРИ ЙУЛ 4

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

# Кураш давом этади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яна шуни эътироф этишни истардикки, вилоят миқёсида сайланган барча даражадаги депутатларимиз орасида такоран депутат бўлганлар 69 нафарни ташкил этаётди. Бу эса депутатларимиз сафидан сайловдан сайловгача бўлган даврда ўз сайловчиларининг ишончини оқлашга ҳаракат қилганлари, фаоллик ва жонкуярликка интилганлари кўпчилигини ташкил этаётди. Ўз-ўзидан, маҳаллий Кенгашлардаги бундай депутатлардан иборат депутатлик гуруҳларининг сессияларда кўпроқ электротимиз манфаатларига дахлдор қарорларнинг қабул қилиниши ва жойларда уларнинг ижросини таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришганликларига ҳам қизиқиб қўйилган.

2004 йилда бўлиб ўтган сайловларда халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашига сайланган 6 нафар депутатимиз, уларни бирлаштирган депутатлик гуруҳини олайлик. Сайловлар оралигида депутатлар ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб турдилар, ҳудуддаги электротимизнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор катта-кичик муаммоларни жойида ўрганиб бордилар. Уларнинг мақбул ечимларини изладилар. **Депутатлик гуруҳи муаммоларни хал қилиш мақсадида 14 та масалани туман Кенгаши сессиялари муҳофазасига киритишга муваффақ бўлди. Ушлаб масалаларни тегишли ташкилотлар, муассаса-**



лар, мутасаддилар олдига қўйиш, имконият даражасида хал қилинишига эришишда ташаббуслар билан чиқди. Бу эса пировардида, сайловчиларнинг уларга яна ишонч билдиришига сабаб бўлди. **Натижада, туман Кенгашининг жами 30 нафар депутатидан 15 нафарини ЎзДП вакиллари ташкил этмоқда. Улар орасидан 5 нафар депутат туман Кенгашига такоран сайланди. Утган қақирок давомида депутатлик гуруҳи раҳбари бўлган Имомкул Бердиев ҳам яна одамлар ишончини қозонгани бежиз эмас, албатта.**

Афсуски, ҳамма депутатларимиз, депутатлик тузилмалари ҳақида ҳам шундай илқ фикрлар билдириш мумкин. Олдинги сайловларда ҳам депутатлари Зафаробод туман Кенгаши жами 20 нафар депутатидан 11 нафарини бизнинг вакилларимиз ташкил этган эди. **Очиги, зиммасига электротимизнинг ҳаётий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш вазифаси юклаган депутатлик гуруҳи ҳам, сайловчилари томонидан билдирилган**

ишончи оқлаши зарур бўлган бир қатор депутатларимиз ҳам анчайин суст ишладилар. Сессияларда номига иштирок этдилар, қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳияти, электротимиз манфаатларига қанчалик мослиги, сайловчиларнинг яшаш тарзи, орзу-интилишларидан доимо хабардор бўлиб туриш зарурлигини айрим депутатларимиз неғадир эсдан чиқариб қўйдилар. **Оқибатда сайловчилар навбатдаги сайловларда бундай вакилларимизни етарли даражада қўллаб-қувватламади. Бу фикрни туман Кенгашига партиямиздан бор-йўғи 7 нафаргина депутат сайлангани ҳам тасдиқлаб турибди. Тўғри, туман Кенгашида партиямиз нисбий кўпчилик макomini қўлга киритди. Аммо, аввалги ўрнимизни бой бердик. Зомин, Зарбдор, Фориш, Зафаробод туманларида олдинги сайловларда қараганда депутатларимиз сони 2-5 нафарга кам бўлганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу саволга партия кенгаши раҳбарлари қандай жавоб берадилар?**

Нима бўлгандаям, сайловлар ортда қолди. Партиямиздан номзодлар қайсидир ўринда кўпроқ, қайсидир ўринда камроқ овоз олишди. Савол тугилади: янгидан сайланган депутатларимиз бошқа сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар билан курашиш, қўлга киритган депутатлик ваколатларини қандай тушунадилар, қай тарзда идрок этадилар, депутатлик гуруҳларимиз энди қандай фаолият кўрсатиши керак?

— Депутатликни сайловчилар томонидан билдирилган ишонч, электротимиз манфаатларига сикдикидан хизмат қилишдек улкан масъулият, деб биланман, — дейди вилоят Кенгашига сайланган Дўстлик туманидаги «Эшнинеъ бобо» фермер хўжалиги раҳбари Муртозақул Бўтаев. — Ана шу ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилсак, атрофимизда юз бераётган воқеа-ходисаларга, содир бўлаётган жараёнларга тўғри муносабат билдирсак, фаоллик, жонкуярлик, ташаббуслорлик билан иш юритсак, партиямиз Сайловчилар дастурида илгари сурилган юғларни амалга ошириш учун чинакамга курашсак, йўлдан қаймасак, одамлар, сайловчиларимиз бизни ҳар доим қўллаб-қувватлайверадилар.

— Бугунги депутатни кегаги депутат билан қиёслаб бўлмайди, — дейди халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги ЎзДП депутатлик гуруҳи раҳбари Имомкул Бердиев. Бугуннинг сайловчиси билан кегагининг ўртасида ҳам катта фарқ бор. Бу одамларнинг фикри-зик-

рида, дунёқарашида, юз бераётган воқеа-ходисаларга нисбатан муносабатида яққол кўринади. Бинобарин, ҳаёт, давр биз — депутатлар олдига жуда катта талаблар қўймоқда. Бу вазифаларни бажаришга чоғланган депутат аввало, обрўли, салоҳиятли, билимдон, фидойи бўлиши зарур, деб биланман. Депутатликдек катта масъулиятни зиммасига олганлигини ҳар доим ҳис этиб турса, шу масъулиятни идрок этиб яшасагина кўзланган мақсадга эришилади. Депутатлар ҳам, депутатлик гуруҳлари ҳам ҳудуддаги сайловчиларни, электротимиз вакилларини ташвишлантираётган масалалардан бохабар бўлса, уларнинг ечимларини излашдан чарчамаса, лозим бўлган тақдирда бу масалаларни сессиялар муҳофазасига қўйишни, депутат сўровлари, талаблар билан чиқишни ҳам уйдalasа, партиямиз Дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатса, табиийки, навбатдаги сайловда номзодларимиз муносиб овоз олишига замин ҳозирлаган бўлади...

**Ўтаётган ҳар кунимиз бизни келгуси сайловларга яқинлаштирмоқда. Унга тайёргарлик бугундан бошланади. Биз бугун алоҳида депутат, депутатлик тузилмаси, партиямиз олдига бир аъзоси сифатида қай даражада фаол, жонкуяр, фидойи бўлсак, аминимизки, сиёсий куч сифатида партиямизнинг нуфузи, обрўси ҳам шунга яраша, шунга муносиб бўлади.**

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.



## Ватан истиқболига масъулмиз

Ҳар бир даврнинг ўз вазифалари, ана шу вазифаларни ўз зиммасига оладиган авлод бўлади. Бугун бизнинг зиммасида Ватанимизни янада обод, дунёда ҳеч бир юртдан кам бўлмаган дийёр айлантириш вазифаси турибди.

Юртбошимиз эртанги кунимиз янада порлоқ, фаровон бўлиши, Ўзбекистонимиз дунёдаги энг илғор мамлакатлар қаторидан тезроқ жой олиши бугун униб-ўсиб келаётган авлодга кўп жиҳатдан ўзлаштириш таъкидлаб келимоқда. Бу умид, бу ишонч биз ёшларга гоёат катта масъулият юклайди. Президентимиз ишончи, халқимиз ишончига муносиб бўлиш тинимсиз меҳнат, изланиш, янгилликка интилиш орқали истеъдодимизни кенг намоён этиб, давлатимиз раванқи учун хизмат қилишни талаб этмоқда. Бу вазифани адо этиш учун танлаган соҳамизни мукамал ўзлаштириб, етук кадрлар бўлиб этиштиришимиз керак. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистоннинг нуфузини дунёга кенг намоён этадиган, энг асосийси, бугунги эзгу орзуларимизни амалга оширадиган ёшлардир. Шу маънода, спорт, адабиёт, санъат, фан ва бошқа соҳа-

ларда тенгдошларим эришаётган муваффақиятлар кишига қувонч бағишлайди. Аммо биз бугунги ютуқлар билан чеғараланиб қолмаслигимиз зарур. Ҳаёт ўсишда, ривожланишда.

Мен Миллий университетнинг ўзбек филологияси факультетига туркшунослик йўналишида таҳсил олаётган. Турк, инглиз ва француз тилларини мукамал ўрганиб, келажакда ўзбек адабиёти дурдоналарини хорижий тилларга таржима қилиб дунёга танитиш ниятим бор. Яқинда турк адабиёти Сенаи Демирсининг «Ишқ олмаси» рисоласини она тилимизга таржима қилдим. Мазкур рисола Фафур Фулом номлидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди. Сафо Сайғилининг «Илм олиш сирлари» (олий ўқув юрталарига кирувчиларга маслаҳатлар) номли рисоласи таржимасини ҳам якунладим. Китоб «Юрист-медиа» нашриётида чоп этилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларимни изчил давом эттиришга ҳаракат қиламан.

Баркамол авлод йилида ўзимиз учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўқишда, илмий изланишларимизда ёдда қоладиган ишларни қилишимиз керак.

Комилликка интилиб яшасак, астойдил меҳнат қилсакгина орзу-мақсадларимиз албатта амалга ошади.

**Диана ИСМАТОВА,**  
ЎЗМУ талабаси.



(Давоми. Боши 1-бетда)

◆◆◆

1997 йилдан бошлаб, Юртбошимиз ҳар йили Конституция байрами тантанасида келгуси йилни қандай номлашни тавсия қилади, бу тавсия йиғилиш қатнашчилари томонидан яқинлаштирилган кўрсатилган. Утган йилларимиз «Инсон манфаатлари йили», «Соғлом авлод йили», «Аёллар йили», «Оила йили», «Она ва бола йили», «Қариаларни қадрлаш йили»... деб аталди. Ҳатто Қишлоқ тарқиқибти ва фаровонлиги йилида ҳам 13 апрель кун Президентимиз «Она ва бола саломатлигини муҳофазат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 1 июлда эса «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воқеа этказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Қисқа муддат ичида бир мавзуда иккита қарор эълон қилиниши кун тартибига қўйилган масала жуда жиддий, ниҳоятда муҳим ва долзарб эканини англатади. Ҳақиқатдан ҳам, халқимиз дунё турғунча туриши, давлатимиз пойбдор бўлиши учун авлодимиз шудом баркамол бўлиб бориши зарур. Буюк аждодларимиз азалдан бунга жиддий эътибор бериб келган. Масалан, улғу муҳаддис Имом Бухорий ҳазратлари гўё биз, миннатдор авлодларнинг бугунги ниятларини билгандек, бундан 12 асрча аввал тузган ҳадислар тўплами «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»)да ана шу масалага махсус боблар ажратган. Мазкур тўплам билан бизнинг бугунги ҳаётимиз ўртасида боғлиқлик бор. Фикримиз исботи учун айрим боблар номини келтирамиз: «Отани рози қилиш

тўғрисида», «Она меҳр-шафқатли ва раҳмдил бўлади», «Ота ўз фарзандларига одоб ўргатиши ва яхшилик қилиши ҳақида», «Дунёда кишиларга яхшилик қилганлар охирада унинг муқофотига эга бўлади», «Кишилар бир-бирларига муҳаббат қилишлари ҳақида»... Мана шунинг ўзи ҳам яққол кўрсатиб турибдики, баркамоллик ахлоқ ва одобдан бошланади.

◆◆◆

Тобе ва тутқун халқ ялпи баркамол бўлиши мумкин эмас. Ҳоким миллат тобе миллатнинг камолотга эришишини истамайди ва бунга йўл қўймайди ҳам. Мустамалакчиликдан ўтган 130 йилча ҳаёт шунга яққол мисолдир. Миллий истиқлолга эришгандан сўнг баркамолликка интилиш имконияти яради.

Бунинг учун босқичга бўлиш мумкин. **Биринчи босқич:** 1989 йилнинг 25 июлидан 1990 йилнинг мартигача бўлган давр. Бу даврда Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов халқимизнинг туб миллий манфаатларини қўлаб иш юритди, мамлакатимизда шунингдек, минтақада тинчлик-ҳотиржамлик бўлиши учун, илгариги раҳбарларнинг айби билан юз берган миллий низоларни бартараф этиш учун зўр матонат кўрсатди. Иқтисодий аҳолини яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан бирга, маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифат ва маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратди, Ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш ҳақидаги қонун ҳам худди шу даврда қабул қилинди. Бу тарихий воқеани эслашдан мақсад — баркамолликнинг асосларидан бири она тилидир. Уни севмоқ ва қадрламоқ керак.

**Иккинчи босқич:** 1990 йилнинг мартдан 1991 йилнинг 31 августигача, яъни «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун эълон қилингунча бўлган давр. Бу босқич-

# Комиллик йўлларида

Баркамол авлод йилининг мазмуни, моҳияти, кўлами, қамрови ва аҳамияти ҳақида мулоҳазалар

да Президент лавозими ва президентлик бошқаруви жорий этилди. 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Йил давомида улғу шоир ва мутафаккирга бағишланган юзлаб тадбирлар ўтказилди. Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейи миллат баркамоллигига хизмат қилди ва бу йўлдаги тадбирларга дебеча бўлди.

**Учинчи босқич:** 1991 йилнинг 31 августидан, мустақиллигимиз эълон қилинишидан бошланади. Зеро, мустақиллик баркамолликни тақозо этади. Жаҳон ҳамжамияти билан бир сафда бўлиш учун ҳар томонлама етук бўлиш зарур. Бу йўлда, яъни баркамоллик йўлида истиқлол йилларида шунчалик кўп ишлар қилиндики, фикримиз исботи учун шулардан айримларини эслаш қийин. Алишер Навоий таваллуд айёмидан сўнг Бобороҳмон Машраб, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўпон, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳқор, Зулфия каби ижодкорларимизнинг юбилейлари ўтказилди, асарлари қайта нашр этилди. Баркамоллик бир жиҳатдан руҳониятга бориб тутади. Халқимизга руҳий озик бериш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Маҳмуд Замахшарий, Бурхониддин Марғиноний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд номлари абадийлаштирилди, асарлари чоп этилди, қадимжолари ободонлаштирилди.

Баркамолликнинг замани илму фандир. Илми бўлмай туриб камолотга эришиб бўлмайди. Илм-маърифатга илхосни қучайтиришнинг сигналлар йўлларида бири — ўтмиш алломалар меросини ўрганиши ва тарғиб қилишидир. Бу борада, жумладан, Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги кенг нишонланди. Баркамол одам албатта ватанпарвар бўлади. Буюк лашкарбоши Жалолиддин Манғубердиннинг 800 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Бу улғу сиймослар тасвирланган орденлар она Ватанимизнинг мўътабар нишонларидир. Халқ озаки ижоди баркамоллик бўлоқларидан ҳисобланади. Буюк халқ эпоси — «Алпомиш» достони-

нинг 1000 йиллиги нишонланди ва Алпомишга ҳайкал қўйилди.

Тарих мисоли бир маёқ — йўлчи юлдузидир. Утмишни билмаган киши қаёққа бораётганини англамайди. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида тарихимизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада ҳам катта ишлар қилинди, янги дарсликлар яратилди. Тарих институти қайта ташкил этилди. Жаҳон тамаддунининг бешикларидан бўлиши Самарқанднинг 2750 йиллиги, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги, Тошкентнинг 2200 йиллиги, Марғилоннинг 2000 йиллиги, Шахрисабз ва Қарши шаҳарларининг юбилейлари халқор микёсда кенг нишонланди.

Халқимиз дунёдаги илғор халқлардан асло кам бўлмаслиги керак, давлатимиз сиёсати шу эзгу мақсадга қаратилган. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алфавитининг жорий этиш тўғрисида»ги Қонун шу йўлдаги муҳим қадамларнинг биридир. Лотин ёзуви жаҳоний ёзув бўлиб, тилимиз хусусиятига, товуш тизимини ва уларни ифодалашга тўлиқ мос келади. Уни биллаш баркамолликнинг бир белгиси, албатта.

Лотин ёзуви турмушимизга қучур кириб бормоқда. Бу йўлда қилинаётган ишларнинг бири лотин ёзувида савод чиқарган катта-кичик замондошларимиз ўқийдиган захира яратиб бормоқдир.

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда авлодлар ичидagi муносабатлар муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, кишилар ёш жиҳатдан кекса авлод, ўрта авлод ва ёш авлодга бўлинади. Бу бўғинлар бир-бирининг олдига ҳам бурчли, ҳам масъулиятлидир. Қуш уюсида кўрганни қилади, дейдилар. Кекса авлод ўрта авлодга, ўрта авлод ёш авлодга нечоғли ибрат бўлса, воқеа этиб келаётган насл шунча етук ва комил бўлади.

Ўзбек халқининг миллий турмуши бошқа халқларнинг турмуш тарзидан фарқланади, албатта. Кекса, ўрта ва ёш авлод ўртасидаги муносабатлар ҳам шунга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам Конституция-мизнинг Ойлага бағишланган XIV бобида бунга алоҳида ургу берилган. «Ота-оналар ўз фарзандларини воқеа етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-

модда). «Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда).

Ушбу моддалардан кўринадики, мамлакатимизда бир авлодга мансуб турли ёшдаги кишиларимиз бир-бирининг олдига бурчли, ҳам масъулиятлидир. Маълумки, 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил эса «Оналар ва болалар йили» бўлган. Аслида бу ҳам «Баркамол авлод йили»га маълум босқичлар эди. «Соғлом авлод» Давлат дастурида соғлом авлодни шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни тақомиллаштириш вазифаси ўртага қўйилди. Соғлом авлодни воқеа этказиш орзуси йўлида анча-мунча ишлар қилинди. Давлат дастурида кўзда тутилган асосий мақсад шу эдики, аждодларимиздан наслий йўл билан ўтган барча фазилатларни янада камол топтириб, ўзимиз янада мусаффолашиб, зурриёдларимизнинг биздан-да баркамол бўлишларига замин яратибдир.

Соғлом авлод — миллат ва давлатнинг мавжудлиги ва раванқининг бош омилдир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «**Биз шу азиз дийёрда нафақат фарзандларимиз, балки неварачеварларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахт-саодатли, маърифий ҳаёт кечирishi, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё турғунча туришини истаймиз.**»

Бунинг учун авлодимиз баркамол бўлиб бориши шарт. Наслни яхшилаб боришга интилиш оилавий турмушдан қутилган пировад натижадир. Зеро, носоғлом отадан Алпомишлар, Барчиноилар вужудга келмайди. Соғлом оила ва юксак ахлоқий муҳит бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар. Бирисиз иккинчиси бўлмайди. Аини шу кунларда мамлакатимизда яшаб турган авлоднинг биринчи даражали қариндошлик таркиби — бобо ва бувилар, ота ва оналар, ўғил ва қизлар, неваралар, аваралар, чеваралар...

Бобо ва бувиларимиз ўз мақомларида, ота ва оналаримиз ўз макенида, ўғил ва қизларимиз, неварачеварларимиз ўз уринларида ўзаро боғлиқлик масъулиятини чуқур англаб этишлари муҳим. Маса-

лан, бобо ва бувиларимиз ширин сўз, дуоғўй бўлса, оила аъзоларига ҳар томонлама ибрат бўлса, оилада соғлом ахлоқий муҳит вужудга келишига катта ҳисса қўшади. Бу гапни ота ва оналарга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Оиланинг нисбатан ўрта аъзолари бўлиши ўғил-қизлар, нисбатан кенжа аъзолари бўлиши неварачеварлар ва ниҳоят, чеваралар ўзларининг фарзандлик масъулияти ва бурчларини бекаму кўст адо этиши баркамолликка интилишининг бир босқичи бўлиб қолади.

Жорий йилимиз Баркамол авлод йили деб эълон қилингандан буён матбуотда, радио ва телевидениеда кенг тарғибот ва ташвиқот олиб борилаётган. Бу яхши, лекин неғадир жамиятнинг нисбатан ёш аъзоларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки, ўртага қўйилган талаб бугунги авлодимизнинг барча бўғинларига, бутун бир миллатга тааллуқли. Баркамолликка барча бирдек интилиши лозим. Масалан, 2010 йилда давлат бюджетига соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатлар 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида белгиланмоқда. Бу маблағ аҳолининг муайян қатлами учун эмас, балки барча учун бирдек сарфланади.


Авлоднинг баркамол бўлишида ҳар биримизнинг, хусусан оиланинг роли ва ўрни бежиз бўлмади. Конституция байрамида Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «**Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом иклими, ота-онанинг бир-бирга меҳри ва ҳурмати шариоатида чуқур илдиш отишини, йўлданки, ҳаммамиз яхши англаймиз.**»

Мухтарам Юртбошимиз томонидан ҳар бир йилимизга бериб келинаётган ном ва йўналиш ижроси учун муддат бир йил билан чекланмайди, шунингдек, баркамол авлод тарбияси учун кураш ҳам доим давом этади. Миллатимиз ва давлатимизнинг умрбоқийлиги ана шу курашнинг самараларига боғлиқдир.

Баркамоллик йўллари олис ва машаққатли, лекин аини вақтда шарафлидир.

**Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
санъат арбоби.

Хорижда



Вайроналар остида

тирик қолганлар яна бор экан

Жорий йилнинг 12 январида Гаитида кучли zilzila юз берганидан ҳамма хабардор. Ушбу фожиа содир бўлганига ҳам икки ҳафтадан ортиб кетди. Шунча вақтдан бери вайроналар остида қолиб кетганлар орасида тириклар борлиги қутқарувчиларни қувонтирмакда. Жумладан, ўтган ҳафтанинг жумасида 84 ёшли кампирни унинг қариндошлари вайроналар остидан тирик ҳолда қутқариб олдилар. Исроиллик қутқарувчилар ҳам 22 ёшли йигитни вайроналар «банди»лигидан озод этишига муваффақ бўлди.

Гаити Ички ишлар вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб «Frans Presse» АА маълуб қилишча, фожиа оқибатида ўлганлар сони шу кунгача 111 минг 499 кишига етди. 193 минг 891 киши эса турли даражада тан жароҳати олган, 609 минг киши бошпанасиз қолган. Улар вақтинча тикланган ҳодирларда яшамокда.


Ичимлик сув ва озик-овқат етишимчилиги сақланиб турибди. Юқумли касалликлар тарқалиш хавфи мавжуд. Шунинг учун Гаити маъмурияти 400 минг кишини пойтахтдан ташқарига кўчиришни мўлжалламоқда.

Шуниси ачинарлики, қурбон бўлганлар сони яна ортомқда. Чунки шаҳар вайроналардан ҳали тўлиқ тозалангани йўқ. Айрим маълумотларга қараганда, бу рақам 200 мингга етиши мумкин.

Алоқадорликда гумон қилиниб

120 киши қўлга олинди

Туркия Хавфсизлик бosh бошқармасининг ҳудудий бўлими республиканинг 16 та музофотида — мамлакатнинг ғарбидан жануби-шарқигача бўлган ҳудудларда, Анқара ва Истанбул сингари катта-катта шаҳарларда контртеррор амалиётларини ўтказди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.



Натижада 120 киши «Ал-Қоида» халқаро террорчи гуруҳининг Туркия тармоғи фаолиятига алоқадорликда гумон қилиниб, қўлга олинди. Улар орасида тармоқнинг мансабдор раҳбарлари, шунингдек, экстремизм тарғиботи билан шуғулланувчи ва жангариларга бевосита ёрдам бераётган кимсалар бор.

Уларни тинтиш ва текшириш жараёнида қўлга қурол-ярроғ, портловчи моддалар, шахсини тасдиқловчи сохта гувоҳномалар, камифулъяж (ола-була қилиб бўяб никобланган) кийимлар, «Ал-Қоида» режаси ва фаолиятига таллуқли ҳужжатлар топилди.

Хавфсизлик бosh бошқармасининг мазкур рейдлари ўтган ҳафтанинг бошида «Ал-Қоида»нинг 25 нафар аъзоси қўлга олингандан сўнг амалга оширилди. Умуман, бундай рейдлар мамлакатда тез-тез ўтказиб турилади.

«Ал-Қоида»нинг Туркия тармоғи 2003 йили Истанбулда содир этилган қонли террор учун жавобгар ҳисобланади. Ушанда 60 дан ортиқ киши қурбон бўлган, бир неча ўнлаб одамлар турли даражада тан жароҳати олган эди. Террорчилик акти ташкилотчилари умрбод қамоқ жазосига ҳукми қилинган.

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК

2010 йил 25 февраль куни танлов савдоларини ўтказилади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчасида жойлашган «QO'YUQ BUYUM BOZORI» МЧЖ тасарруфидида 2009 йилда и/ч, д/р 01/858 FAA бўлган «Нексия SOHC», бошланғич нархи — 15 278 683 сўм.

«CHINOBOD NEFT BAZASI» унитар корхонасининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17-мавзе, санает ҳудудидида жойлашган автоҳўжалиги тасарруфидида 2002 йилда и/ч, д/р 10AV584 бўлган «Нексия», бошланғич нархи — 5 600 000 сўм, 2002 йилда и/ч, д/р 10AV581 бўлган «Нексия», бошланғич нархи — 6 300 000 сўм, 1999 йилда и/ч, д/р 10A1008 бўлган «ГАЗ-3102», бошланғич нархи — 5 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган «Transport xizmatlari sifatini nazorat etish boshqarmasi» давлат унитар корхонаси тасарруфидида 2003 йилда и/ч, д/р 10BC467 бўлган «Нексия Д», бошланғич нархи — 6 200 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 5-уйда жойлашган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати тасарруфидида 1995 йилда и/ч, д/р 01/046 КАА бўлган «Тойота Хайс», бошланғич нархи — 3 340 800 сўм.

Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00да тўхтатади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКни АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо фолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олинди-сотили шартномасини имзолаш, шартнома тузилгунга қадар тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Маазур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй. Алоқа телефони: 233-23-49, телефакс: 233-23-40, электрон почта P-A\_DUK@mail.ru

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
ЛОТ 1-7:				
Лот-1	Самарқанд вилояти УБФМ ҳудудида болалар спорт мажмуаси қурилиши	486 385 162 сўм	405 320 968 сўм	6 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги 35-сонли мактабга 12x24м. қўшимча спортзал қурилиши	204 616 324 сўм	170 513 603 сўм	5 ой
Лот-3	Булунгур туманидаги 14-сонли мактабга 9x18м. қўшимча спортзал қурилиши	155 864 428 сўм	129 887 023 сўм	5 ой
Лот-4	Жомбой туманидаги 27-сонли мактабга 9x18м. қўшимча спортзал қурилиши	155 926 091 сўм	129 938 409 сўм	5 ой
Лот-5	Иштихон тумани «Метан» кўрғонидида 19-сонли мактабга 12x24м. қўшимча спортзал қурилиши	205 414 471 сўм	171 178 725 сўм	5 ой
Лот-6	Пастдарғом тумани, «Гумбаз» қишлоғидаги 11-сонли мактабга 9x18м. қўшимча спортзал қурилиши	155 390 845 сўм	129 492 371 сўм	5 ой
Лот-7	Самарқанд туманидаги 47-сонли мактабга 12x24м. қўшимча спортзал қурилиши	204 834 412 сўм	170 695 343 сўм	5 ой

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳоқимлиги Инжиниринг компанияси.  
Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишланглик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона  
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳоқимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатиغا!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектлар бўйича қайтадан танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. «Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Қипчоқсув» ҚФЙдаги 435 ўқувчи ўринли, 50 ўринли ётоқхонаси билан «Транспорт ва санает соҳаси касб-ҳунар коллежи қурилиши (калти билан)».

Объектнинг бошланғич қурилиш қиймати: ҚҚСсиз 2 027 500 529 сўм, ҚҚС билан 2 433 000 635 сўм.

2. «Жиззах шаҳридаги йигув пунктини реконструкция қилиш».

Объектнинг бошланғич қурилиш қиймати: ҚҚСсиз 494 874 287 сўм, ҚҚС билан 593 849 145 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 2010 йил 1 августгача.

Ишларни молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (8372) 222-46-40.

Танлов савдосида иштирок этаётган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этадиган, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдоси ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйи-

даги манзил бўйича муурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 64-уй (вилоят ҳоқимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАЪБИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ва Андижон давлат тиббиёт институти қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмачи: Андижон вилоят ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 45-уй. Тел: 224-19-97).

1. «Водий вилоятлари фаол ёшлари оромгоҳ манзили» мажмуасининг 2 дона 300 м<sup>2</sup> ҳажмли резервуар қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 105 598 990 сўм. Ишларни тугаллаш муддати — 7 ой.

2. «Водий вилоятлари фаол ёшлари оромгоҳ манзили» мажмуасининг ташкил этилиши (ЛЭП 0,6 кВТ, асосий тармоқ ва 2 ГКТП-1000 кВТ трансформатор подстанцияси). Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 294 955 826 сўм. Ишларни тугаллаш муддати — 2 ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат этишлари мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳақимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Буюртмачи: Андижон давлат тиббиёт институти (Андижон шаҳри Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй. Тел: (8-374) 222-19-41, 237-55-08).

Андижон давлат тиббиёт институти ҳудудида 4-сонли талабалар турар-жой биносини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 137 731 910 сўм. Ишларни тугаллаш муддати — 70 кун.

Таъмирлаш ишларини молиялаштириш: Буюртмачи ахратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат этиш мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳақимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.


Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Куч — билим ва тафаккурда

# Интеллектуал майдон эгаллари



(Давоми. Боши 1-бетда)

**— Аввало, «Закват» интеллектуал телеуйинининг ташкил этилиши ҳақида гапириб берсангиз?**

— Телевидениега 1995 йилда бошловчи бўлиб ишга келганман. Қизиқарли кўрсатув тайёрлаш мақсадида бир неча лойиҳалар устида ишладим. Ҳеч бириндан кўнглим тўймай юрди. Кўнларнинг бирида «Нима? Қачон? Қаерда?» кўрсатувини томоша қилаётгандим. Бизда ҳам бу телеуйин саволларига ҳеч иккиланмасдан жавоб топадиган билимдонлар борку, шунга ўхшаш кўрсатув қилсаммикан, деган хаёлга бордим. Қизиқиб кетиб интеллектуал ўйин, уни ўтказиш қонун-қоидалари тўғрисида ёзилган мақолалар, китобларни ўқиб-ўргандим. Аниқ лойиҳа кўринишига келгунча узоқ вақт илдандим. Телерадиокомпаниямиз раҳбарияти кўрсатув лойиҳаси билан танишиб, мени қўллаб-қувватлади. Телеуйинни малакали режиссёр, операторлар, умуман ниятимга кўмак


«Ўзбекистон» телеканалда намоийш этилаётган «Закват» телеуйини халқимиздаги, айниқса, иқтидорли ёшларимиздаги билимдонлик, зукколик фазилатларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Кўпчилиқнинг ушбу кўрсатувга бўлган қизиқишини инобатга олиб, телеуйин муаллифи ва бошловчиси Абдурасул АБДУЛЛАЕВ билан суҳбатлашдик.

бера оладиган ходимлар билан тайёрлаш учун ижодий гуруҳ тuzишимга кўмаклашди. Кўрсатувни суратга олишга етарли шарт-шароит яратилганидан кейин Миллий университет раҳбариятига учрашиб, мақсадимни айтдим. Биз профессор-ўқитувчилар билан дунёқароши кенг, мантиқан тез фикрлай оладиган талабаларни турли мавзуларда саволлар бериб танлаб олдик. Биринчи синовдан ўтганлар шунчалик кўп бўлганидан уларнинг қайси бирлари билан ўйин ўтказсам экан, деб роса бошим қотди. Ўзаро мусолаҳатлашиб, саралаб олинган билимдонлардан жамоалар тузиб, яна савол-жавоб ўтказиб, энг иқтидорлиларини танладик. Қолганлари эса захирада тайёрланиб турадиган бўлди. Суратга олиш ишлари ҳам қизиқарли ўтган. Билимдонлар ўйинга қаттиқ берилиб, худди катта бир кураш майдонига тушиб қолгандек саволларга шиддат билан жавоб қайтаришган. Кўрсатувни ёзиб тасмоласак ҳам яна савол бериб, деб ҳоли жонимга қўйиш-

маган. Бўлди, кейинги сафар, деб аранг қутулганман. Кўрсатувнинг биринчи сони 2001 йил 25 мартда эфирга кетганда кўвончимнинг чеки йўқ эди. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилди. Хали жуда кўп ишлар қилишимиз, жиддий изланишимиз кераклигини тушундим. Ишларимиз изга тушиб, турли жойлардан жуда кўп билимдонлар кўрсатувда қатнашиб истагини билдириб кела бошлади. Томошабинларнинг ҳам таклифи-истак ва қизиқарли саволлари битилган мактублари кўпайди.

**— Кўрсатув эфир юзини кўрган вақтларда телетомошабинлар, ҳамкасбларингиз қандай фикрлар билдирган?**

— Ҳаракатларимни кўрган, билган устозларим, тажрибали ҳамкасбларим лойиҳанинг келажаги борлигини айтиб жуда хурсанд бўлишган. Кўрсатувнинг илк сонлари эфирга кетганда айримлар «Нима? Қачон? Қаерда?» телеуйинининг гоёси ўғирланибди, кўчирмачилик бўлибди, дейишди. Шунда мен уларга бу те-



леуйин дунёнинг ўн олтита давлатида борлигини, ҳатто АҚШ, Германияда ҳам оммавий кўрсатув эканлигини, тушунтиришга ҳаракат қилдим. Мени кўнглига яқин олганлар сен хаёлингни бузма, кўрсатувинг тафаккурни чархлашга, интеллект — куч-қудрат мандаби эканлигини, билимга таяниб, суяниб иш кўришни ўргатапти, деб тасалли беришди. Тўғриси, айтсам, ўша телеуйинни такрорламаслик учун кўнглимизни, мусиқасини, билимга таяниб, мураккаб саволлар жўнаштиряпти. Самарали натижага эришиш учун яна билимдонлар турнирига қайтиб, босқич-ма-босқич ўтказишни режалаштирдик. Болалар, ўқувчи-талабалар орасида мунтазам яришиш учун яна билимдонлар ўтказиб бурсак, албатта, мақсадимизга етишамиз. Лекин бу эзгу ниятларни амалга ошириш учун алоҳида, янги, замонавий

студияга эҳтиёж сезаямиз.

**— Келгусида кўрсатувни янада қизиқарли қилиш учун қандай ишларни амалга оширяпсиз?**

— Дастлаб кўрсатувни тайёрлаш жараёнида атрофимизга билимдонларни тўплаш, томошабинлар ишончини оқлашнинг нияти қилгандик. Эндиги мақсадимиз — оддий «Закват»ни билимдонлар ҳаракати айлантормоқчимиз. Бугун вилоятларимизда уч юзга яқин клубларимиз бор. Бу жуда катта рақам. Энди бу билимдонлар савиясини оширишда ҳар бир лицей, коллежлар қошида очилган жамоалар билан доимий машғулотлар ўтказамиз. Улар ҳар жиҳатдан кучли бўлишлари учун интилишаётгани бизга, «Закват» ижодкорларига қувонч бағишлаяпти. Биз истеъдодли ёшларни топиб, бирлаштириб, уларни янада иштиёқ билан изланишга, билиминини оширишга интилишини қўллаб-қувватлаётганимиздан хурсандим.

**Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда



Ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган II Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Самарқанд давлат университети тадқиқотчи олимлари 16 ишланма билан қатнашган, турли соҳаларда қўллаш учун тавсия этилган ушбу лойиҳаларнинг 11 таси бўйича шартномалар имзоланган эди.

Айниқса, университет физикавий кимё ва кимёвий экология кафедраси мудир, профессор Нурали Муҳаммадиевнинг «Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитида этиштириладиган меваларнинг кимёвий таркиби, товарлик сифати, даволик хусусиятлари мониторинги» номи ишланмасига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва фармацевтика соҳаси вакилларига катта қизиқиш уйғотган эди.

— Лойиҳада қўзда тутилган асосий мақсад Ўзбекистон иқлим шароитида этиштириладиган меваларнинг кимёвий таркибини (углеводлар, аминокислоталар, липидлар, минерал моддалар) ўрганиш, уларнинг товарлик хусусиятларини белгилловчи мезонларни аниқлашдан иборатдир, — дейди Нурали Муҳаммадиев. — Юртимизда баъзи экинлардан йилга икки-уч марта ҳосил олиш мумкин. Бу халқимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, уларни чет мамлакатларга экспорт қилиш имконини ҳам беради. Қолаверса, мева-сабзавот, полиз экинларимиз мўътадил иқлим шароитларида этиштирилган маҳсулотлардан ширинлиги, ҳиди ва таъми, билан устун туради. Уларнинг инсон организми учун зарур моддаларга бойлиги, дориворлик хусусиятларини аниқлаш ҳам муҳим вазифалардандир.

Айтиш керакки, шу пайтгача мамлакатимизда этиштириладиган мева-сабзавотнинг кимёвий таркибини ўрганиш бўйича муайян иш олиб борилаётган бўлса-да, системалаштирилган ва амалда қўллашга мўлжалланган маълумотлар йўқ. Мавжуд маълумотларни эса тизимлаштириш тақозо этилади. Шу боис мазкур лойиҳада аввало маҳсулотнинг кимёвий таркиби, уларнинг товарлик хусусиятларини белгилайдиган органолептик ва бошқа сифат кўрсаткичларини аниқлаш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Ярмаркада бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлар лойиҳадан фойдаланиш истагини билдирган, уларнинг айримлари билан шартномалар имзоланган эди.

Жумладан, лойиҳа бўйича Самарқанд иқтисодий ва сервис институти олимлари билан ҳамкорликда олма, узум, беҳи ва бошқа меваларнинг данакларидан олинадиган ёғлар таркиби ўрганилди. Тадқиқот натижалари ушбу турдаги ёғлар инсон организми учун, унинг турли касалликларга чалинишининг олдини олишда фойдали эканлини кўрсатди. Айниқса, болаларнинг соғлом ўсиши, уларда учрайдиган рахит, гипотрифия сингарни касалликларнинг олдини олишда унинг фойдаси катта. Шунингдек, бир неча турдаги мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларининг даволик хусусиятлари аниқланиб, тегшли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бу йилги III республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмасида университет профессор-ўқитувчилари тўққизта лойиҳа билан қатнашишни мўлжалламоқда.


Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

## Патиссон — дастурхон кўрки

саломатлик гарови ва бойлик манбаидир

Патиссон-қовоқдошлар оиласининг оддий қовоқ (*Cucurbita pepo L*) турига мансуб ўсимлик. Ватани — Америка. Унинг бир неча тури мавжуд. Ўтқич пояли ўсимлик уруғидан кўпайтирилади. У бир йиллик бўлиб, майда, япалоқ мева тугади. Етилмаган, гўр мевалари эса пиширилган ёки консерва қилинган ҳолда истеъмол қилинади.

Патиссон асосан иккинчи экин сифатида экилади-дейди **Денов тумани, Исломо Тўраев** номи сувдан фойдаланиш уюшмасининг «Қорахон» маҳалласида истикомат қилувчи Саломат Алибев. — 2009 йилда уруғини Тошкентдан олиб келгандим. Тажри-



ба таркисида ёзда ўн сотихча майдонга эқдик. Мехнати кам, сувга чидамли ўсимликдан бир тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Пишиб етилмасдан тердик. Сўнгра икки соат сувга ивтиб қўйилди. Бодринг, помидор, саримсоқ пизё, мурч ва бошқа маҳсулотларга аралаштириб, 600 та

шиша идишда консерва қилдик. Халқимиз дастурхонига тортиқ этиб, даромад ҳам олдик. Туман ҳокимлиги мутасаддилари тажрибага қизиқиб қолишди. Амалдаги йилда бир гектар майдонга экишни мўлжаллаб турибмиз...

— Шарқ табобатида унинг ошқозон-ичак хасталикларига шифобахлиги айтилган-дейди шифокор **Файзулло Аликулов**. — Витаминларга бой. Шунингдек, иштаҳа очиш, тишни мустаҳкамлаш, милкларни асрашда ўрни бекиёс...

Демак, патиссонни иссиқ климатли жойларда етиштирса бўларкан. Соғлиққа фойдаси тегадиган неъмат, дастурхон кўрки бўлиши баробарида бойлик манбаи ҳамдир.

**Абдуралик Ҳайдаров, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Эртанги кун бизники, марра — бизники!

Юртимиз «чарм қўлқоп» усталари жаҳон спорт майдонида энг кучлилардан ҳисобланади. Муҳаммадқодир Абдуллаев, Карим Тулаганов, Сергей Михайлов, Рустам Саидов, Баҳодиржон Султонов, Ўткирбек Ҳайдаров Олимпия ўйинлари голиб ва совриндорлари сафидан жой олганликлари, Аббос Атоев, Элшод Расулов, Дилшод Маҳмудов, Беҳзод Хидировлар жаҳон ва Осиё чемпионатларида шоҳсупанинг юқори погоналарини банд этганликларини алоҳида эътироф этиш лозим.

## Шоҳсупа сари йўл



Бугун ана шундай музаффар ўғлонларимизнинг муносиб издошлари этишиб чиқмоқда. Улар эришган оламшумул ғалабалар минглаб ёшларнинг қалбида спортнинг ушбу турига бўлган қизиқиш ва ҳавасини ошираётди.

— 2000 йили Сиднейда ўтган ёзги Олимпия ўйинларида ўзбек ўғлини Муҳаммадқодир Абдуллаев чинакам жасорат кўрсатиб, олтин медаль билан тақдирланди, — дейди риштонлик Зокиржон Абдуназаров. — Ўғлимиз Равшанжон ўшанда ўн ёшда эди. Муҳаммадқодирнинг олимпиада финалида америкалик боксчига қарши ўтказган жангини ўғлим билан бирга томоша қилдик. Равшанжон моҳир спортчимизнинг ғалабасидан тўқилганиб, «Да-да, мен ҳам бокс билан шугулланман. Келажакда Муҳаммадқодир Абдуллаев каби чемпион бўламан», дегани ҳамон эсимда. Сўнгра уни тажрибали мураббий Рус-тамжон Маждидов ҳузур-

лар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони. Ўтган йил унинг учун янада муваффақиятли бўлди. Равшан Боқуда 18 ёшга-ча бўлган боксчилар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида бронза медали билан тақдирланди.

— Шу кунларда мураббийим Мансур Маҳмудов қўл остида навбатдаги мусобақага тайёргарлик кўраяман, — дейди Равшанжон Абдуназаров. — 25 январь — 1 февраль кунлари Навоий шаҳрида ёшлар ўртасида навбатдаги мамлакат чемпионати ўтказилади. Мазкур мусобақа голиблари Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси номзодлари қаторидан жой олишади. Мақсадим шоҳсупанинг юқори погонасини забт этишдир. Агар ана шу чемпионатда биринчи ўринни эгалласам, шу йилнинг март ойида Техонда ёшлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўламан.

Қувонарлиси, Равшанжон Абдуназаров сингар иқтидорли ёшлар бугун юртимизда талайгина. Юртимиз йигит-қизлари ҳеч қандам кам эмаслиги ва ҳеч қанча кам бўлмасликларини намойиш этишлари учун мамлакатимизда катта имкониятлар яратилмоқда. Бу эса шоҳсупа сари бошланган йўлдан улар дадил боришларига хизмат қилмоқда.

**Эркин ХОЛБОЕВ, Суратда: жаҳон биринчилиги совриндори Равшанжон Абдуназаров. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.**

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Latif G'ULOMOV
- Asliddin RUSTAMOV
- Bobir ALIMOV
- Sharbat ABDULLAYEVA
- Murodulla ABDULLAYEV
- Ulug'bek MUSTAFOYEV
- Tat'yana KISTANOVA
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- G'afvor HOTAMOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Musliliddin MUHIDDINOV
- Svetlana GERASIMOVA
- Andrey KUSTOV
- Ochilboy RAMATOV
- Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Partiya hayoti 233-10-13
- Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
- Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
- Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
- Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
- Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
- Buxoroda — 223-06-02
- Gulistonda — 25-46-45
- Jizzaxda — 227-48-35
- Navoiyda — 223-83-73
- Namanganda — 226-43-81
- Nukusda — 222-77-21
- Samarqandda — 35-02-55
- Urganchda — 517-30-58
- Farg'onada — 224-18-78
- Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning nomi: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta sahifasi, paxshab va shabha kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 50

14810 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'Za yakuni — 20.45

To'plashgan vaqti — 22.50

1 3 4 5 6 7 8

Satuvda erkin narxda